

“18-МАЙ ҲАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИ”

МУЗЕЙЛАР ЎТМИШ ЭЛЧИСИ.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг

катта илмий ходими “Шухрат медали соҳибаси

Зулфия Комилова

Анотация: Музейлар - бу ота-боболаримизнинг маънавий меъроси, турмуш тарзларини, орзу-уйларини, фалсафаларини, ҳис-туйғуларини, санъатлари, илм-маърифатларини тарғиб этувчи маскандир. Шу билан бирга, музейлар-илмий-тадқиқот ва маданий-маърифий муассасаси ҳисобланиб, ўзини йўналишдаги ижтимоий вазифалари билан бирга, тарихий, маданий ёдгорликларни келиб чиқиш тарихини ўрганиб бориб, аниқлаш, жамлаш, қайд этиш, сақлаш, ўрганиш кабиларни вазифаларни амалга оширадиган давлат муассасидир. Мақолани муаллифи томонидан Ўзбекистон миқёсида музейларнинг фаолиятларини ёритиб берувчи маълумотлар берилган. Ҳар бир миллатимиз вакили ўтмиши-миз тарихини, ота-боболаримизнинг қолдирган меъросини билишлари дар-кордир. Ҳар бир инсоннинг аجدодлардан қолган меросга, ўз халқи тарихига бўлган муносабати ва қизиқиши унинг эзгуликка етаклайди.

Ҳар бир давлат асрлар давомида тараққиётга интилар экан, ўз тарихига назар ташлайди. Ўзининг юртидаги қадимдан давом этаётган урф-одатларни давом эттиради, шунингдек мерос бўлиб келган ёдгорликларни асрашга интилиб боради. Шундай эзгу ишларни амалга оширадиган муассасалардан бири бу музейларди. Ҳозирги замон музейлари маданий-тарихий ва табиий-илмий кадриятларни мушоҳада қилишга мўнжалларган асл ижтимоий манбааларни ёритиб бериш вазифаларини ўз зиммасига олган. Мустақилликка эришган илк кунларидан токи ҳозирги кунгача давлатимиз томонидан музейлар фаолиятига эътибор бошқа соҳалар каби катта. Дунё миқёсида “18-май-халқаро музейлар куни” деб эълон қилингандан бери Ўзбекистонда ҳам бу сана нишонланади. Ватанимизнинг барча

жавҳаларида турли йуналишдаги музейларимиз фаолият кўрсатиб келмоқда. Жумладан: Фарғона водийсини кекса музейи-19-асрнинг охирида ташкил этилган. 1938-йилдан “Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи ва 2017 - йилдан эса “Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи” мақоми берилган. 1982-Андижон тарихи ва маданияти давлат музейи ташкил этилиб, 1934-йилдаги янги бинога кўчирилгандан сўнг 2017-йилга келиб унга “Андижон вилоят тарихи маданияти давлат музейи мақоми берилган. Ана шундай қадимий музейларимиздан Сурхондарёдаги “Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти музейи-1934-йилда Термиз шаҳрида ташкил этилган. Яна шу манзида “Сурхондарё вилояти археология музейи”-Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан 1998-йилда ташкил этилган. “Қатағон қурбонлари” хотира музейи-2002-йилда Тошкент шаҳрини Юнусобот даҳасида ташкил этилган. Бундан ташқари 1896 йилда ташкил этилган “Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи”, “Самарқанд Афросиёб музейи”, “Амалий санъат ҳунармандчилик музейи”, “Ўзбекистон давлат санъат музейи” мавжуддир. “Қатағон қурбонлари хотира музейи “ 2002-йилда Тошкент шаҳрининг Юнусобот даҳасида ташкил этилган, “Термиз археология музейи” шунингдек “Темурийлар музейи” каби музейларини фаолиятларини мисол қилишимиз мумкин. Мамлакатимизнинг турли жойларидаги музейлардан ташқари музей кўрикханалари, уй музейлари ҳам мавжуд. Масалан; “Ичан қалъа “ музейини кўрикхонаси, Тошкент музейи-2017-йилда “Алишер Навоий” номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида ташкил этилган музей, “Хоразм мусиқа тарихи музейи” бу музей 1905-йилда Хива хони қозиси бўлган Салим Охун томони-дан қурилган “Қози калон” мадрасасида жойлашган, “Арк ўлкашунослик ва этнография музейи”, “Садриддин Айний уй музейи”, “Эркин Воҳидов “номли уй музейи, “Маҳмудхўжа Бехудий” уй музейи-2021-йил 13-апрел санасидаги Самарқанд давлат музейи кўрикхонаси филиали сифатида ташкил этилган. Юқоридаги мисол этилган ўнлаб уй музейларда Ўзбекистоннинг таниқли адабиёт ва санъат номоёндалари, давлатимизнинг сиёсий арбобларининг ҳаёти-ижодини ёритиб берувчи экспозитциялари билан халқимизга хизмат кўрсатмоқда. Барча турдаги музейларда

қуйдаги тартибда қадимий буюмлар яъни экспонатлар жамланмалари билан барча музей ҳазиналарини боитиб борилади. Жумладан: Музей учун давлатимиз томонидан ажратилган маблағ ҳисобига сотиб олинган экспонатлар жамланмалари, музей илмий ходимлари томонидан йиллик режа асосидаги чорак давомида келтириб топширилган экспонатлар жамланмалари, музейда ҳаваскор ҳунармандлар иштирокида ташкил этилган кўргазмаларда музейга совға этилган турли экспонатлар жамланмалари, илмий экспедициялардан келтирилган қадимий археологик топилмалардан иборат бўлган сопол буюм ва бино безаклари, уларнинг қолдиқларидан иборат экспонатлар жамланмаларидан иборат бўлади. Музей фаолиятининг вазифалари фақатгина қадимий асори-атиқаларни сотиб олиш, сақлашда иборат эмас, балки турли маърифий ишларни ҳам доимо амалга ошириш ҳисобланади. Маърифий ишлар музейларда зиёратчилар билан ишлаш тури бўлиб, музейларнинг ҳозиргача тўплаган таржибалари асосида кенг тарқалган ишлари, яъни экскурсия ва маърузалар турлари маърифий ишлар таркибидан иборатдир. Бунга қўшимча равишда яна музей бўлимлари томонидан ташкил этилган турли тўгаракнинг фаолиятлари ҳам катта аҳамият касб этади. Музейлар фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлган илмий-маърифий ишлар музейнинг таълим-тарбия ишларини бажарилишини кўзда тутилади. Бу ишларни амалга ошириш музейларнинг жамиятдаги ўрнини белгилайди, ғоявий ва тарбиявий ишларидаги восита бўлиб ҳизмат қилади. Музейларимиз томонидан турли мавзулардаги оммавий тадбирларни ташкиллаштириш ва уларни савияли ўтказиш ишлари доимий равишда хужжатлаштирилади. Бу хужжатларга музей томонидан ҳар хил оммавий тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш жараёнидаги иш режалари, ҳисоботлари киради. Булар қуйдагиларни ўз ичига олади: экскурсияларни ҳисобга олиш китоби, экскурсияларни услубий ишлаб чиқиш ва илмий – маърифий ишларнинг турли шакллари, экскурсиялар ва тематик режалар, турли мавзулардаги тадбирлар, тематик учрашувлар, музей байрамлари сценарийларидан иборат бўлади. Доимий равишда илмий-маърифий ишлар хужжатлари музейнинг архивида сақланиши керак. Музей йўналишидаги илмий хужжатлар ёрдамида турли таълим-

тарбиявий маълумотларни ташриф буюрувчиларнинг онига етказиб борилади. Шу мақсадда бошқа музейлар каби Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг кўплаб илмий ходимлари томонидан Наманган вилоятининг шаҳар ва туманларидаги тарихий масканларни манбаалари ҳам тингловчиларга кўргазма-тадбирларда ёритиб борилади. Наманган ҳам бошқа вилоятлар каби кўхна масканлардан бўлиб, унинг таркибида давлат тарихий жойлар руйхатига киритилган обидаларимиз мавжуд. Шу жумладан оладиган бўлсак Наманган шаҳрида: "Мулла Қирғиз" мадрасаси-1910-1912-йилларга оид бўлиб, Наманганнинг "Чорсу" даҳаси марказига жойлашган. Мадраса Қирғиз Мащраббой ўғли маблағи ҳисобига меъмар уста Мулла Қирғиз томонидан барпо этилган. "Шайх Эшон" масжиди-1912 – йил Намангансойнинг ўнг қирғоғида Гишткўприк яқинида қад кўтарган. Масжид уста Ҳалилхожи томонидан пишиқ ғиштдан минорали ва сопол безакли тарзда қурилган. "Ҳўжа Аъмин" мажмуаси-18-асрга оид бўлиб, Наманганнинг қадимги "Кўзагарлик" кўчасида барпо этилган. "Ҳўжам қабри" мақбараси ва унга ёнма-ён тарзда "Азизхўжа" мадрасаси ҳам мажмуа таркибига киради. "Мулла Бозор Охунд" мажмуаси-17 асрга оид бўлиб, 1994-йил қайта таъмирланган. "Лаббай тоға" даҳаси "Курашхона" мавзесидадир. 17-аср мутафаккири Мулла Бозор Охунд номи билан боғлиб тарихий маскан. "Отавалихон Тўра" масжиди-1915-1922-йилларда бунёд этилган бўлиб, бу тарихий обидамиз Наманган шаҳрининг Уйчи кўчасига жойлашган. "Нодим Номонгоний"-мақбараси. 20-асрга оид ва Наманган шаҳрининг марказидаги Нодира кўчасида бунёд этилган. "Мавлавий Номонгоний" зиёратгоҳи-Лаббай тоға даҳасида қурилган. "Махдум эшон"-жоме масжиди-19-асрга оид Марғилон кўчасидаги масжид. "Қодирхўжа эшон" уйи- 20-асрга оид Сардоба даҳасида бунёд этилган қадимий ҳовли. Тарихий мавқега эга бўлган иншоотларимизнинг кўпчилиги туманларда, қишлоқларимизда сақланиб келмоқда. Масалан: Поп туманида- "Бобо Юсуф Ҳамадоний "Оқ мазор" мақбараси, даври ноъмалум. "Чодак" масжиди ҳисобланиб, 18-асрга оид. "Ғурумсарой" масжиди-19-асрга оид. "Исмоио ота" зиёратгоҳи-Чодак қишлоғида бунёд этилган. Тўрақўрғон туманида- "Ахсикент" шаҳристони- 16 асрга оид зилзилада вайрон бўлган шаҳар

колдиқлари бўлиб, ҳозирги кунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Осмон остидаги музей” га айлантирилмоқда. Бу археологик ёдгорлик 2009 –йилда ЮНЕСКО руйхатига киритилга қадимий шаҳар харобаси. “Исоқхон Тўра” масжиди- 19 асрга оид. Кўхна Чустда: “Полосбон ота “ мақбараси- 7-аср охир-8-аср бошларига оид. “Отчопар Эшонбува”-зиёратгоҳи-16-асрга оид. “Ғойибназар қози” номли мадрасаси-18-асрга оид. “Мавлоно Лутфуллоҳ” меъморий мажмуаси-19-асрга оид. Косонсой туманида: “Муғтепа” археологик ёдгорлиги-мелоддан аввалги 2-асрларга оид. “Маҳдуми Аъзам Косоний”-мақбараси-16 асрга оид. “Ғўзапоя” масжиди-17-асрга оид. Жоме масжид- 18-асрга оид. “Юсуфхон Эшонтўра” мақбараси. Мингбулоқ туманидаги “Қолган- дарё” номи билан аталиб келган масжиди-19-асрга оид. Наманган туманида; “Тошбулоқ” масжиди-1890 йилда қурилган. Янгиқўрғон туманида; “Қандиён тепа”- 4-7-асрларга оид археологик ёдгорлик. “Оқтом тепа”- 3-асрга оид бўлган археологик ёдгорлик. “Кўкёр тепа”- мелоддан аввалги 1-асрга оид бўлган археологик ёдгорлик. “Жуллол тепа” мелоддан аввалги 2-асрга оид археологик ёдгорлик. Чортоқ туманида; “Биби Наима”- Сутбулоқ мақбараси-12-13-асрларга оид. “Алком ача” мақбараси-17 аср охири-18-аср бошларига оид. Увайс-ул Қароний” мақбараси-19 асрга оид. Уйчи туманида; “Девона бува” мақбараси. “Ўнхаят-Машҳад” масжиди- 19 асрга оид. Учқўрғон туманида; “Муғқўрғони” -археологик ёдгорлиги. “Йўлбарскамар” ёдгорлиги. “Қуюнтөпа”- археологик ёдгорлиги. “Чордевор”- ёдгорлиги. “Мунчоктепа”-археологик ёдгорлиги. “Оқтепа” –ёдгорлиги. “Уч-тепа“ -археологик ёдгорлиги. “Ясситөпа” археологик ёдгорлиги. Норин туманида; “Кўрғонтепа”-археологик ёдгорлиги. “Култөпа”-археологик ёдгорлиги. “Учтепа”-археологик ёдгорлиги. “Булоқмозор зиёратгоҳи. “Ҳақулабод” жоме масжиди. Бугунги тарихни жадал ўрганиш давом этаётган даврда музейлар йўналишлари фаолиятида жуда кўплаб амалий ишларни бажарилмоқда. Давлатимиз раҳномолигида чиқарилган фармон-қарорлар асосида музейларимиз ёш авлодни бой тарихимиз, чуқур илдизга эга ҳисобланган, дунё мамлакатлари эътироф этган моддий-маданий меросларимизни ўрганишларига замин яратиб бормоқда. Шу имкониятдан фойдаланиб, тарих фанлари

доктори, профессор Иброхим Юсупов рахбарлигидаги Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг фахрийларини, узоқ йиллардан бери музей равнақига ўзларини камтарона хизматлари билан ҳиссаларини қўшган музейнинг таржибали илмий ходимларига, музейга ташриф буюрувчиларга хизмат савиясини яхшилашдаги ишлари учун техник ходимларимизга касб байрамимиз”18-май-Халқаро музейлар куни” билан эъзу тилакларимишни билдириб қоламиз. 100000 дан зиёд экспонатлар жамланмасига эга бўлган, қарийиб бир асрдан бери фаолият кўрсатиб келаётган жонқўяр музей фидоиларига аждодлар меросини келажак авлодларга етказиш каби ўта муҳим вазифаларини адо этишларида муоффақиятлар ҳамроҳ бўлсин. Бу табаррук даргоҳда ўзларини тарихни ёритувчи изларини қолдирган мархум устозлар; тарих фанлари номзоди, ”Олий таълим фидоси” кўкрак нишони совриндари Эркин Мирзаалиев, санъатшунос Алижон Азизов, музей рахбарлари лавозимида фаолият кўрсатган Саида Муҳаммадиева, музей ҳазинасини тўлдиришдаги илк ишларни амалга оширган ҳазинабон устоз Турғунбой Байханбаевларнинг охиратлари обод бўлсин.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. ”Мозийдан садо”-илмий-амалий, маънавий-маърифий журнал. 2024-2025-й.
2. ”Маънавий ҳаёт”-тарихий-фалсафий, маънавий-маърифий илмий, оммабоб журнал. 2023-2024-йиллар сонлари.
3. ”Тафаккур”-ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий журнал. 2020-2024-й.
4. ”Наманган вилоят тарихи ва маданияти “ рисолалари. 2024-2025-йиллар.